

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.2019. Tar. 01.04 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

АБУЕВ ҲУСАН ОДИЛОВИЧ

**СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ҚАЙТА ҚУРИШ СИЁСАТИ ВА УНИНГ
ЎЗБЕКИСТОНГА ТАЪСИРИ (1985 - 1991 йй.)**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation

Абуев Хусан Одилевич

Совет ҳокимиятининг қайта қуриш сиёсати ва унинг Ўзбекистонга таъсири
(1985 – 1991 йй.)3

Абуев Хусан Одилевич

Политика перестройки советской власти и её влияние на Узбекистан
(1985 – 1991 гг.)..... 25

Abuev Husan Odilovich

Reconstruction politiks of soviet powe and it is influence of Uzbekistan
(1985 – 1991 уу.)..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 51

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.2019. Tar. 01.04 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

АБУЕВ ҲУСАН ОДИЛОВИЧ

**СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ҚАЙТА ҚУРИШ СИЁСАТИ ВА УНИНГ
ЎЗБЕКИСТОНГА ТАЪСИРИ (1985 - 1991 йй.)**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2020

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида юз бераётган глобал ўзгаришлар бугунги кунда кўп қутбли дунёни шаклланишида муҳим ўрин тутмоқда. Ривожланаётган давлатлар ўз тараққиёт дастурларида жамият асосини қайта қуриш ва тубдан ўзгартириш жараёнларига алоҳида эътибор қаратаётганлиги бир томондан ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни ижобий амалга оширишга имкон яратаётган бўлса, мамлакат бошқарувидаги демократик ўзгаришлар сиёсий плюрализмга йўл очиб бериш баробарида халқлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик заруратини келтириб чиқармоқда. Айниқса амалга оширилаётган ислоҳотлар халқаро ташкилотлар томонидан қўллаб-қувватланиши интеграция жараёнларини фаоллашувида муҳим аҳамият касб этади.

Дунёнинг бир қатор давлатлари илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, собиқ совет ҳокимиятининг қайта қуриш сиёсати ва таназули, XX аср 80 йиллари иккинчи ярми ҳамда 90 йиллари бошларида Ўзбекистондаги мураккаб ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳвол, қайта қуриш сиёсатининг республикада амалга оширилиши ва барбод бўлиши, коммунистик партиянинг жамиятдаги ҳукмрон мавқеига қарши кураш, турли демократик партиялар ва халқ ҳаракатларининг ташкил топиши, ўзбек халқининг мустақиллик учун олиб борган кураши ҳамда собиқ иттифоқнинг парчаланиши ва унинг таркибида мустақил давлатларнинг ташкил топиши тарихини ўрганиш устувор муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Мустақиллик йилларида миллий кадриятларни тиклаш, демократик тамойилларни кенг жорий қилиш ҳамда чуқур иқтисодий ислоҳотлар амалга оширила бошланди. Шунинг баробарида мамлакат аҳолисининг турмуш фаровонлигини ошириш йўлида “аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлаш, кексаларни эъзозлаш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, ...асосий мақсадларимиздан бирига”¹ айланиб бормоқда. Республика маънавий ҳаётидаги ижобий ўзгаришлар эса ижтимоий фанлар ривожига замин яратмоқда. Мазкур жараёнда босиб ўтилган мураккаб йўл ва тарихий тажриба ёш авлод тарбиясида муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ва 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 июндаги ПҚ-3105-сон “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузурида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича Жамоатчилик кенгаши фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган

¹ Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – Б. 24.

вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Совет ҳокимиятининг қайта қуриш сиёсати ва унинг Ўзбекистонга таъсири (1985 – 1991 йй.) мавзусига доир тарихий тадқиқотларни қуйидаги учта гуруҳга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ саналади: 1) совет ҳокимиятининг сўнгги йилларида яратилган адабиётлар; 2) мустақиллик йилларидаги тарихий тадқиқотлар; 3) узоқ ва яқин хорижий мамлакатларда амалга оширилган тадқиқотлар.

Совет ҳокимиятининг сўнгги даври, яъни 1985 – 1991 йилларда мавзу тарихшунослигига оид яратилган биринчи гуруҳ тадқиқотларида², улар асосан Москва шаҳрида чоп этилганлигини айтиб ўтиш мумкин, бу масала бир томонлама ёритилганлигини таъкидлаш жоиз. Бу китобларда совет жамиятида бошланган қайта қуриш жараёнлари ленинча идеология асосида коммунистик мафкура нуқтаи назаридан синфий позицияда туриб тадқиқ этилди. Шунингдек, таниқли давлат ва сиёсат арбоблари М.С. Горбачёв³, Б.Н.Ельцин⁴, И.Б. Усмонхўжаев⁵, Р.Ҳ.Абдуллаева⁶, Р.Нишонов, И.А.Каримов ҳамда академик А.Д.Сахаровнинг⁷ шу йилларда чоп этилган асарлари муҳим аҳамият касб этади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда чоп этилган иккинчи гуруҳ тарихий тадқиқотларида совет давлати ва коммунистик партия томонидан ўтказилган қайта қуриш сиёсати ва унинг оқибатлари, бу даврда Ўзбекистонда кечган мураккаб ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳвол ҳамда миллатлараро муносабатлар ва миллий сиёсатнинг баъзи жиҳатлари, маданий ҳаёт ёритилади. Хусусан, тарихчи олимлар А.Маврулов⁸, Д.Бобожонова⁹,

² Историки спорят. Тринадцать бесед. Под общей редакцией В.С. Лельчука. –Москва: Политиздат, 1988; Страницы истории КПСС. Факты. Проблемы. Уроки. Под редакцией В.И.Купцова. –Москва: Высшая школа, 1988; Страницы истории КПСС. Факты. Проблемы. Уроки. Кн.2. Под редакцией В.И.Купцова. –Москва: Высшая школа, 1989; Урок дает история. Под общей редакцией В.С.Афанасьева, Г.Л.Смирнова. –Москва: Политиздат, 1989; Перестройка: ленинская концепция социализма. Пресс-сборник. –Ташкент: Узбекистан, 1989; История Отечества: люди, идеи, решения. Очерки истории советского государства. –Москва: Политиздат, 1991; Трудные вопросы истории: Поиски. Размышления. Новый взгляд на события и факты. Под редакцией В.В.Журавлева. –Москва: Политиздат, 1991; Совет жамияти тарихи саҳифалари: фактлар, муаммолар, одамлар. –Тошкент: Ўқитувчи, 1991 ва б.

³ Горбачёв М.С. Октябрь ва қайта қуриш: революция давом этмоқда. –Тошкент: Ўзбекистон, 1987; Унинг ўзи. Қайта қуриш ва янгича фикрлаш мамлакатимиз ва бутун дунё учун. –Тошкент: Ўзбекистон, 1988; Унинг ўзи. Танланган нутқлар ва мақолалар. Том 1-5. –Тошкент: Ўзбекистон, 1988 – 1990.

⁴ Ельцин Б.А. Исповедь на заданную тему. –Vilnius: Baltican, 1990.

⁵ Усмонхўжаев И. Такдир ўйинлари ёхуд кўрган-кечирганларим (Хотиралар). –Тошкент: Ijod-Press, 2019.

⁶ Абдуллаева Р. XX век и развал великой державы – СССР. –Москва: Вернисаж, 2002.

⁷ Сахаров А.Д. Тревога и надежда. –Москва: Интер-Версо, 1990.

⁸ Маврулов А.А. Культура Узбекистана на современном этапе: общее состояние. Проблемы. Тенденции развития (Середина 70-х – 1990 гг.). Автор. дисс... докт.ист.наук. –Ташкент, 1993.

Х.Юнусова¹⁰, Д.Мамажоновнинг¹¹ тадқиқотлари ҳамда И.Алимов, Р.Муртазаева, Х.Бобобеков, Н.Обломуродов, Қ.Ражабов, Н.Бобожонова, Ш.Эргашев, Г.Мўминова, О.Бозоров, А.Ерметов ва бошқаларнинг турли китоблари ва илмий тадқиқотларида¹² мавзунинг айрим томонлари тадқиқ этилган.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда яратилган коллектив монографиялар ва фундаментал тадқиқотларда¹³, шунингдек, Ўзбекистон тарихининг совет ҳокимияти йилларига оид турли дарсликлар ва ўқув қўлланмалари ҳамда турли солномаларда¹⁴ қайта қуриш сиёсатининг натижа ва оқибатлари кўрсатилган.

Бу мавзуда собиқ СССР тарқалгач, янги ташкил қилинган мустақил давлатлар Россия Федерацияси¹⁵, Қозоғистон¹⁶, Қирғизистон¹⁷, Тожикистон¹⁸

⁹ Бабаджанова Д.Б. Социально-экономические аспекты межнациональных отношений в Узбекистане (70-е годы – середина 80-х гг.). Автореф. дисс... докт.ист.наук. –Ташкент, 1997; Бобожонова Д. Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар (70-80-йиллар мисолида). –Тошкент: Шарқ, 1999.

¹⁰ Юнусова Х. Ўзбекистонда совет давлатининг миллий сиёсати ва унинг оқибатлари (XX аср 80-йиллари мисолида). –Тошкент: Зарқалам, 2005; Унинг ўзи. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва маънавий жараёнлар (XX аср 80-йиллари мисолида). –Тошкент: Abu matbuot-konsalt, 2009; Унинг ўзи. Социально-экономические процессы и духовная жизнь в Узбекистане в 80-годах XX века. Автореф. дисс...д-р.ист.наук. –Ташкент, 2009.

¹¹ Мамажонов Д. Ўзбекистонда қайта қуриш даврида маданий ҳаёт (1985 – 1991 й.). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. –Тошкент, 2018.

¹² Обломуродов Н. Развитие аграрного производства Узбекистана в 1971 – 1990 гг. Опыт, уроки и проблемы. Автореф. дисс...докт.ист.наук. –Ташкент, 1994; Алимов И., Ражабов Қ. Ўзбекистон мустақиллик йўлида (1985 – 1991 й.)// Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Том 12. –Тошкент: ЎзМЭ давлат нашриёти, 2006. –Б. 178 – 185; Муртазаева Н. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва бағрикенглик. –Тошкент: Университет, 2007; Бобобеков Х. Фарғона фожиаси кундалиги. 1989 йил. –Тошкент, 2012; Ражабов Қ., Иноятов С. Бухоро тарихи. –Тошкент: Tafakkur, 2016; Эргашев Ш. Эрк истар кўнгил. –Тошкент: O'zbekiston, 2017; Муминова Г.Э. Ўзбекистонда совет даврида соғлиқни сақлаш тизими тарихи (1917 – 1991 й.). Тарих фанлари доктори (DSc) дисс. автореферати. –Тошкент, 2018; Бозоров О.О. XX асрнинг 80-йилларида Ўзбекистондаги миллатлараро муносабатлар тарихи (Фарғона фожиаси мисолида). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореферати. –Тошкент, 2019; Ерметов А.А. Ўзбекистонда ички ишлар органлари фаолияти (1925 – 1991 й.). Тарих фанлари доктори (DSc) дисс. автореферати. –Тошкент, 2019 ва б.

¹³ Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Илмий муҳаррир: М.Жўраев. –Тошкент: Шарқ, 2000; Тарих шохидлиги ва сабоқлари: чоризм ва совет мустамлакачилиги даврида Ўзбекистон миллий бойликларининг ўзлаштирилиши. Масъул муҳаррир: Д.Алимова. –Тошкент: Шарқ, 2001; Ўзбекистон тарихи (1917 – 1991 йиллар). Иккита китоб. Иккинчи китоб. 1939 – 1991 йиллар. Масъул муҳаррирлар: Р.Абдуллаев, М.Рахимов, Қ.Ражабов. –Тошкент: O'zbekiston, 2019; Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиш тарихи: 1980 – 1990 йиллардаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий омиллар. –Тошкент: Turon-Iqbol, 2019.

¹⁴ Ражабова Р.Ё. ва б. Ўзбекистон тарихи (1917 – 1993 й.). –Тошкент: Ўқитувчи, 1994; Муртазаева Р.Ҳ. ва б. Ўзбекистон тарихи. –Тошкент, 2000; Ражабов Қ., Қандов Б., Ражабова С. Ўзбекистон тарихининг муҳим саналари (Энг қадимги даврлардан бугунги кунгача). 6-нашр. –Тошкент: O'zbekiston, 2015; Ражабов Қ., Замонов А. История Узбекистана (1917 – 1991 годы). 1-издание. –Ташкент: Издательско-полиграфический творческий дом имени Гафура Гуляма, 2017 и др.

¹⁵ Гдиян Т., Иванов Н. Кремлевское дело. Повесть-хроника. –Ростов-на-Дону: Книга, 1994; Пихоя Р.Г. Советский Союз: история власти. 1945 – 1991. 2-е издание. –Новосибирск: Сибирский хронограф, 2000; Рано Абдуллаева: Преодоление ада. Составители: Ф.Мамаджанова, Г. Резниченко. –Москва, 2009; Раззаков Ф. Коррупция в Политбюро. Дело «красного узбека». –Москва: Алгоритм-Эксмо, 2009; Деревья зеленеют до метелей. Рафик Нишанов рассказывает Марине Заваде и Юрию Куликову. –Москва: Молодая гвардия, 2012.

¹⁶ История Казахстана. В пяти томах. Том 5. Казахстан в современный период. –Алматы: Атамұра, 2010; Несинбоева Ж. Методологические вопросы истории в советской историографии (60-80-е годы XX в.). - Алматы: Елтаным, 2014.

¹⁷ Осмонов О.Дж. История Кыргызстана. Основные вехи (с середины XIX века до наших дней). –Бишкек: Инсанат, 2012.

ва бошқа давлатларда чоп этилган турли тарихий адабиётларда ҳам анча маълумотлар мавжуд. Шунингдек, мавзунинг узок хорижий тарихшунослигига АҚШ ва Ғарбий Европа давлатларида нашр қилинган турли тарихий тадқиқотлар¹⁹ ҳам киради.

Бироқ мазкур тарихий тадқиқотларда совет ҳокимиятининг қайта қуриш сиёсати ва унинг Ўзбекистонга таъсири масалалари тўлиқ қамраб олинмаган. Шунинг учун ҳам мазкур мавзу алоҳида тадқиқот объекти сифатида танлаб олинди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши Навоий давлат педагогика институтининг илмий-тадқиқот ишлари режаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти илмий-тадқиқот ишларидан ўрин олган ИФА-2012-1-4 “Ўзбекистоннинг совет давридаги тарихи (1917-1991 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади 1985-1991 йилларда совет ҳокимиятининг қайта қуриш сиёсати ва унинг Ўзбекистонга таъсирини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

совет жамиятида қайта қуриш сиёсатининг бошланишини ёритиш;
мамлакат ҳаётидаги ўзгаришлар, кадрлар сиёсати ва қайта қуриш йилларида бошланган ошкоралик жараёнини кўрсатиш;

Ўзбекистонда қайта қуриш сиёсатининг бошланиши ва ижтимоий-сиёсий инқирознинг кучайишини тасвирлаш;

Республикадаги сиёсий бошқарув элитаси ва унинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш;

“пахта иши”нинг мамлакатдаги ижтимоий ва сиёсий жараёнларга таъсирини асослаш;

президентлик бошқарувининг жорий этилиши ва мустақиллик йўлидаги мураккаб одимлар ҳамда халқ ҳаракатлари ва сиёсий партиялар фаолиятини очиб бериш;

Марказ билан Ўзбекистоннинг миллий манфаатлари ўртасидаги зиддиятларнинг кескинлашувини таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 1985-1991 йилларда совет ҳокимиятининг Ўзбекистонда олиб борган қайта қуриш сиёсати ва унинг оқибатлари танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предметини Ўзбекистонда қайта қуриш йилларидаги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва ғоявий жараёнлар таҳлили ташкил этади.

¹⁸ Махмудзода С.А. Таджикистан в период перестройки (1985-1991гг.). Автореф. дисс...канд.ист.наук. – Душанбе, 2019.

¹⁹ Rumer, Boris Z. Soviet Central Asia: “A tragik experiment”. – Boston: Unwin Hyman, 1989; The transformation of Central Asia: States and societies from Soviet rule to independence. –Ithaca: Cornel University Press, 2004; Perestrojka at the crossroads. Edited by Alfred J. Rieber & Alvin Z. Rubinstein. –Armonk, New York: M.E. Sharpe, 1991.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тарихийлик, тизимлаштириш, холислик тамойиллари ҳамда муаммога цивилизацион ёндашув, қиёсий ва муаммовий-хронологик таҳлил, оғзаки тарих каби илмий тадқиқот усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

XX асрнинг 80 йиллари ўрталаридан собиқ совет ҳокимиятидаги ўзгаришлар сабаб янгича сиёсатнинг олиб борилиши жараёнида Ўзбекистондаги иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ривожланишда маҳаллий халқлар манфаати инобатга олинмаганлиги, минтақа хомашё базаси сифатида янада мустаҳкамланганлиги, бир томонлама иқтисодиёт шакллантирилиши оқибатида қишлоқ хўжалиги ва бир қанча соҳаларда меҳнат унумдорлиги ҳамда аҳолининг ижтимоий турмуш даражаси паст кўрсаткичда қолишига олиб келганлиги исботланган;

марказдан ҳадиксираш, миллий манфаатларни ҳимоя қила олмаслик, миллий кадрларни оёқ ости қилиш, маҳаллий бошқарувда четдан кадрларни жалб қилиш, лавозимни сақлаб қолиш ва бундан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиши оқибатида янги кўринишдаги катағонликнинг юзага келганлиги очиб берилган;

собиқ совет жамияти ҳақиқатдан тубдан ислоҳ қилиниши шарт эканлиги, лекин танланган қайта қуриш сиёсати ташаббускорлари олиб борган бу йўл жамиятда ошкоралик ва демократиянинг бир кўриниши сифатида намоён бўлиб бу орқали коммунистик элита ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш ниятида совет жамиятининг муқаррар таназзулини намоён қилган ҳолда унинг парчаланишига олиб келганлиги асосланган;

Ўзбекистонда мазкур даврда ташкил этилган сиёсий партиялар ва ҳаракатлар миллий манфаатларни илгари сурган ҳолда ҳокимият тепасида турган коммунистик партократия ва совет давлати вакилларида фарқли равишда маҳаллий халқ хоҳиш-иродасини ҳимоя қилиб майдонга чиққанлиги очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

совет ҳокимиятининг қайта қуриш даврида Ўзбекистонда юритган сиёсатига доир илмий хулосалардан мамлакатнинг энг янги тарихини ёритишда қўлланилиши мумкин бўлган жиҳатлари аниқланган;

Ўзбекистоннинг совет ҳокимияти йилларидаги тарихини тадқиқ этиш ва мустақиллик учун кураш масалаларини ўрганишга қаратилган, шунингдек, олий ўқув юртларида таълим бериш жараёнида фойдаланилиши мумкин бўлган назарий хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда тарих фанида тан олинган ёндашув ва усулларнинг қўлланилгани, катта ҳажмдаги тарихий илмий адабиётлар ва манбалардан фойдаланилгани, хусусан, архив ҳужжатлари ва турли хотираларнинг илмий истеъмолга киритилганлиги, асосий манбаларга асосланганлиги, шахсий кузатувлар, шунингдек, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги ва амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистонда қайта қуриш сиёсати даврида ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳвол тарихи мавзусини тарихийлик, холислик, тарихий тизимли тамойиллар асосида ёритилиши мазкур муаммога оид назарий хулосаларни такомиллаштиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти бугунги кунда жамиятнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий-маданий ривожланиши, ўзбек халқи тарихини ўрганишга бағишланган мақсадли давлат дастурларининг бажарилишига ҳамда билимларни ривожлантиришга, шунингдек, Ўзбекистоннинг мустақиллик учун курашлар тарихига оид янги дарслик, монография, ўқув қўлланмаларни яратиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. 1985 – 1991 йилларда совет ҳокимиятининг қайта қуриш сиёсати ва унинг Ўзбекистонга таъсири мавзусига оид ишлаб чиқилган илмий хулосалар ва таклифлар асосида:

XX асрнинг 80 йиллари ўрталаридан собиқ совет ҳокимиятидаги ўзгаришлар, янгича сиёсатнинг олиб борилиши жараёни, Ўзбекистондаги иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ривожланиши, минтақа хомашё базаси сифатида янада мустаҳкамланиши ва бир томонлама иқтисодиёт шакллантирилишининг қишлоқ хўжалиги ва бир қанча соҳаларга таъсири масалаларига доир материаллардан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “O`zbekiston” телеканалидаги “Ибратга йўғрилган умр”, “Тилга эътибор”, “Тил – миллат кўзгуси” каби кўрсатувларнинг сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (“O`zbekiston” телерадиоканали давлат унитар корхонасининг 2019 йил 23 сентябрдаги 02-13-1935-сонли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг жорий қилиниши совет тузуми даврининг сўнгги йилларида ўзбек халқининг ижтимоий-иқтисодий, маънавий аҳволи ҳақида объектив маълумотлар етказиб беришга хизмат қилган.

Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг қайта қуриш йилларида маданий, иқтисодий, ижтимоий соҳада юзага келган муаммолар, уларнинг ечимлари ва натижаларини акс эттирувчи материаллардан Навоий вилояти тарихи ва маданияти музейи экспозицияларини қайта ташкил қилишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2019 йил 12 ноябрдаги 01-12-10-5655-сонли маълумотномаси). Илмий тадқиқот материалларининг музей экспозицияларига жорий этилиши маҳаллий ва хорижий сайёҳларга қайта қуриш сиёсати ҳамда унинг Ўзбекистонга таъсирини манбалар асосида кўрсатиб бериш имконини берган.

Собиқ совет жамиятида бошланган қайта қуриш сиёсати, жамиятда ошкоралик ва демократик ўзгаришларнинг содир бўлиши, совет жамиятининг таназзулга юз тутиши каби илмий натижалардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институтида бажарилган ИФА-2012-1-4-сонли “Ўзбекистоннинг совет давридаги тарихи (1917-1991 йиллар). 2-жилд” лойиҳаси доирасида тайёрланган “Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар)” номли академик нашрда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 15 ноябрдаги 89-03-44-42-сонли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши совет ҳокимиятининг қайта қуриш сиёсати алоҳида мавзу сифатида ёритилиб Ўзбекистоннинг мустақиллиги арафасидаги тарихини ёритишда илмий маълумотлар билан бойитиш ва такомиллаштиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 11 та илмий конференцияларда, шу жумладан, 4 та халқаро конференция ҳамда 7 та республика илмий –амалий конференцияларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш чоп этилган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини нашр этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий нашрларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 153 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, ишнинг апробацияси, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Мамлакатда қайта қуриш сиёсатининг бошланиши”** деб номланган биринчи бобида XX аср 80 йиллари ўрталарида Совет Иттифоқида ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тушкунликнинг етилиб келиши, сабаблари, давлат ва жамиятда етакчи сиёсий куч ҳисобланган Совет Иттифоқи Коммунистик партияси (КПСС) ва ҳокимият тепасига янги раҳбариятнинг келиши, тушкунликдан чиқиш йўли сифатида қайта қуриш ва ошқоралик сиёсатининг юритилиши, унинг натижалари ва оқибатлари ҳақидаги масалалар ёритиб берилган.

Совет жамиятида бошланган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий ривожланишнинг моҳиятини белгилаб берган ислоҳотлар ўн йиллар давомида етилиб келди. Бу ислоҳотларнинг зарурийлиги XX аср 60-70 – йилларида жаҳонда, хусусан, ривожланган мамлакатларда юз берган чуқур технологик ўзгаришлар, инсоният цивилизациясининг ривожланишида сифат жиҳатидан янги босқич – пост индустриал жамиятга ўтиш билан белгиланган эди. СССРда 1985 – 1991 йилларда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий ривожланишнинг моҳиятини белгилаб берган ислоҳотларнинг тарихий шарт-шароитлари узоқ вақт давомида етилиб келди.

Ўн йилдан кўпроқ вақт давомида, яъни XX аср 70 йилларининг ўрталаридан бошлаб то 80 йилларнинг ўрталаригача Совет Иттифоқида

турли инқирозли ҳолатлар пайдо бўла бошлади. Анъанавий оғир саноатнинг давом этиши янги илмий технологик, ахборотлаштириш ва компьютерлаштириш йўналишларининг ривожланишига путур етказди²⁰.

СССРда ўзгаришларга эҳтиёж қуролланиш пойгаси натижасида мамлакат иқтисодиётини чуқур тушкунликка юз тутгани, яъни, совет ҳукуматининг замонавий ҳарбий қуроллар сотиб олиш учун маблағни аямай, давлат бюджетининг 23-36 %гача замонавий хужумкор ҳарбий қуроллар билан қуролланишга сарфлагани сабаби бу – АҚШ бошлиқ НАТО мамлакатлари томонидан тизимли ва узоққа мўлжалланган иқтисодий, сиёсий, ҳарбий тазйиқ эди²¹.

Самарасиз социалистик иқтисодиёт улкан ҳарбий харажатлар юки остида қолган эди. Совет Иттифоқи дунёда энг катта бўлган 4490800 кишилиқ кўшинни сақлаб турар эди²². Шу билан бирга армия тузилиши бўйича хужумкор ҳаракатга мўлжалланган эди. 1979 йилда Афғонистонга чекланган кўшиннинг киритилиши 70 йиллар бошида бошланган халқаро кескинликни юмшатиш жараёнига кучли зарба берди. Бу ҳолат рақиб АҚШ томонидан СССРни ёвузлик империяси деб айблов қўйишига олиб келди.

Кўпгина омиллар 1985 йил арафасига келганда СССР ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан чуқур тушкунликни бошдан кечираётгани, кўзланган мақсад мамлакатда реал социализм амалга ошмаганидан далолат берар эди. Совет жамиятида аҳоли турмуш даражаси ва сифати, унинг давомийлиги, кишиларнинг ўртача умр кечириш даражаси, аҳолини кенг истеъмол моллари ва хизматлари билан таъминлаш кўрсаткичлари бўйича СССР нафақат ривожланган давлатлардан, балки тараққиёти ўртача даражадаги капиталистик мамлакатлардан ҳам анча орқада қолиб кетди.

Совет жамиятидаги таълим, иш малакаси, ижро интизоми юқори индустриал жамият ва замонавий технологияларга қўйилган талабларга жавоб бермас эди. Бу даврга келиб социализмнинг барча жиҳатларини, унинг иқтисодий асосларини, ижтимоий ҳаётини, сиёсий тузумини, маънавий соҳасини янгилашнинг зарурияти қатъий сезила бошлади. Аммо янгиланиш жараёнининг йўллари, шакллари ва моҳияти бирдан англаб олинмади. Кўп нарсаларни совет жамияти тараққиётининг қайта қуриш деб ном олган тарихий босқичи жараёнида аниқлаш, тузатиш ва қайта кўриб чиқишга тўғри келди.

М. С. Горбачёв бошчилигидаги команданинг ҳокимият тепасига келиши СССР тарихининг янги босқичи - қайта қуриш²³ даври деган ном олди (1985-1990 йиллар). Бу йиллар совет жамиятида тўпланиб қолган ўта долзарб ички ва ташқи муаммоларни мураккаб тугунини тушуниш ва ечишга уринишнинг

²⁰Яник А. История современной России: Истоки и уроки последней российской модернизации (1985-1999). – Москва: Фонд современной истории, 2012. – С. 55.

²¹Безбородов А., Елисеева Н., Шестаков В. Перестройка и крах СССР. 1985–1993. – Санкт-Петербург, 2010. – С. 61.

²²Вооружённые силы СССР. <https://ru.m.wikipedia.org>.

²³"Қайта қуриш" атамасини биринчи марта 1984 йил март ойида КПСС МК секретари М.С.Горбачев агросаноат комплекси муаммоларига бағишланган Бутуниттифок иқтисодий йиғилишидаги нутқида совет ижтимоий-иқтисодий тизимини ўзгартириш ғояси сифатида ишлатади.

зиддиятли даври эди. СССРнинг буюк давлат эканлиги ҳақидаги ишончга бўйсуниб, бир неча йиллар ичида бир қатор иқтисодий кўрсаткичларда ривожланган давлатлар даражасига етишга умид қилинган эди. Бундай фикрлаш 1985 йилда бўлган КПСС МК Апрель пленумида мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш йўлини эълон қилишга олиб келди.

Қайта қуриш ошкоралик, демократия ва фикрлар хилма-хиллигининг маълум маънода кучайишига имконият яратди. Аммо мамлакатда туб демократик ўзгаришларни амалга ошириш, бошланган ислохотларни охирига етказиш мумкин бўлмади. Зўрайиб бораётган иқтисодий танглик, сиёсий бошбошдоқлик ижтимоий адолатга сиёсий йўл билан эришиш мумкинлигига ишончсизлик уйғотди²⁴.

Совет жамиятида қайта қуриш бошланган пайтда СССРда танглик ҳолати кескин кучайди, у мамлакат ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олди. Мустабид совет тузуми шароитида давлат мулки монополияси ва бошқарувида маъмурий-тақсимлаш тизими ҳукмронлиги тобора кучайиб борди, натижада ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари, ялпи маҳсулот ҳажми, меҳнат унумдорлиги шиддат билан пасайиб кетди, ишлаб чиқарувчиларнинг ишлаб чиқариш воситаларидан, меҳнат самараси ва шу кабилардан бегоналашуви янада ортиб борди.

Халқ хўжалигини таназулга олиб келган чуқур издан чиқиш жараёнлари, халқ ижтимоий манфаатларининг назар-писанд қилинмаслиги каби бошқа омиллар билан биргаликда КПССнинг улкан, бироқ кутилаётган натижаларни бермаётган иқтисодий сиёсати бутун ижтимоий-сиёсий тизимнинг оқсашини олдиндан белгилаб берди²⁵. Эълон қилинган қайта қуриш сиёсати амалга ошмаслигининг асосий сабабчиси бу давлат ва жамият ҳаётида КПССнинг ҳукмронлик мавқеининг сақлаб қолиниши, Марказнинг иттифоқдош миллий республикалар устидан ўз назоратини йўқотишни истамагани ёки Марказнинг ўз ҳукмронлигидан воз кечмагани бўлди.

Совет ҳукумати жаҳон коммунистик партияларини ҳамда социализмга мойил тузумларни (Никарагуа, Эфиопия, Ангола, Мозамбик) қўллаб-қувватлашга улкан маблағларни сарфлади. КПСС юздан ортиқ коммунистик партияни маблағ билан таъминлар эди. Совет раҳбариятининг бундай стратегик ва геополитик фаолияти қатор ҳудудий қарама-қаршиликларнинг кескинлашишига олиб келди. Шу билан бирга совет ҳукумати мамлакат ичида ҳар қандай ўзгача фикрлашни қаттиқ таъқиб остига олди.

Ноқонуний иқтисодиётни партия, давлат ва хўжалик аппаратини юқори қисми билан қўшилиб кетиши совет жамиятининг оғир ахлоқий тушкунлигининг бир кўриниши бўлди.

Коррупция, порахўрлик, хизмат вазифасини суистеъмол қилиш, қўшиб ёзиш жамият ҳаётининг барча соҳаларига кириб борди. Совет жамиятини

²⁴ Алимов И., Ражабов Қ. Ўзбекистон мустақиллик йўлида (1985-1991 йиллар) // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 12-жилд. Ўзбекистон Республикаси. –Тошкент: ЎЗМЭ нашриёти, 2006. –Б. 184.

²⁵ Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Илмий муҳаррир: М.Жўраев. –Тошкент: Шарқ, 2000. –Б. 624.

хушёр фикрлайдиган бир қисми учун улкан давлат аппаратини самарасизлиги, тизимни чуқур тушкунлик томон жадал яқинлашиб бораётгани яққол кўринар эди.

Шундай қилиб, СССР ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан чуқур тушкунликни бошдан кечираётгани социализмни турмушда амалга ошмаганидан далолат берар эди. Турмуш даражаси ва сифати, унинг давомийлиги, аҳолини истеъмол моллари ва хизматлари билан таъминланиши кўрсаткичлари бўйича СССР ривожланган мамлакатлардан анча орқада қолиб кетди.

“Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва қайта қуриш сиёсати” номли иккинчи бобда XX аср 80 йиллари ўрталарига келиб Ўзбекистонда қайта қуриш сиёсатининг бошланиши ва ижтимоий-сиёсий инкирознинг кучайиши, бошқарув элитаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда “пахта иши”нинг Ўзбекистондаги ижтимоий ва сиёсий жараёнларга таъсири кўрсатилган.

Қайта қуриш даври олимлар томонидан 2 та босқичга бўлиб ўрганилади:

Қайта қуришнинг биринчи босқичи (1985-1986 йиллар) – маъмурий-ташкилий тадбирларнинг анъанавий усулларда олиб борилиши билан изоҳланади. Мазкур босқичда илмий-техника тараққиёти ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш асосида жамиятда туб иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш ва унинг асосида инсон омилини фаоллаштириш мўлжалланган эди.

Қайта қуришнинг иккинчи босқичи (1987-1989 йиллар) жамиятнинг барча жабҳаларини комплекс тарзда ислоҳ қилишни кун тартибига қўйди²⁶. Хуллас, бундай вазифа коммунистик мафкура томонидан 1987 йил январда янада аниқлаштирилди. Москва шаҳрида 1987 йил 27-28 январда бўлиб ўтган КПСС МКнинг Пленумида М.С.Горбачёв “Қайта қуриш ва партиянинг кадрлар сиёсати тўғрисида” маъруза қилди. Унда сиёсий ислохотларнинг асосий мақсади ошкоралик ва кадрлар сиёсатини тўғри юритиш асосида совет жамиятини тўлиқ демократлаштиришга эътибор қаратилди.²⁷

Совет жамиятида бошланган қайта қуриш сиёсатининг дастлабки босқичида муайян бир ўзгариш сезилмади, иттифоқдош миллий республикалар, шу жумладан, Ўзбекистонда юзага келган вазият танглигича қолди. Орол денгизи сувининг қуриши натижасида экологик ҳолатнинг ёмонлашуви жиддий тус олди. Бу экологик вазиятни барқарорлаштириш юзасидан КПСС МКнинг 1989 йил 9 ноябрда “Оролбўйи экологик мувозанатини тиклаш тўғрисида”ги қарори қабул қилинади.²⁸ Бу қарорнинг қабул қилинишига сабаб 1988 йил 19 сентябрда КПСС МК ва СССР Министрлар Советининг 1988 йил 19 сентябрдаги “Орол денгизидаги

²⁶ Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). Иккита китоб. Иккинчи китоб. 1939-1991 йиллар. Масъул муҳаррирлар: Р.Абдуллаев, М.Рахимов, Қ.Ражабов. – Б. 162.

²⁷ Горбачёв М.С. Қайта қуриш ва янгича фикрлаш мамлакатимиз ва бутун дунё учун. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 1988. – Б. 320.

²⁸ Ўзбекистон Республикаси ФА хузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи методик марказ архиви материаллари (РГАНИ, ф. 89, оп. 35, д. 29, л. 1-4).

экологик ва санитария ҳолатини тубдан яхшилаш, самарадорлигини ошириш ва кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори топшириқларини атиги 60 фоизигина бажарилиши эди.

Иттифоқда Ўзбекистон пахта етиштириб берувчи асосий база бўлишига қарамадан 1984 йилга келиб пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш борасида механизациялаш даражаси 1981 йилдаги 67 фоизга нисбатан бор йўғи 30 фоизни ташкил этганлигини кўришимиз мумкин.²⁹ Натижада техника воситалари асосида йиғиб-териб олинадиган пахта ҳосилини тез териб олишга Ўзбекистонда ҳар йили аҳолининг катта қисми жалб этилган. Бунинг оқибати бевосита таълим, соғлиқни сақлаш тизими ва бошқа соҳаларда салбий оқибатларни келтириб чиқарди ва кейинги йилларда ҳам бу ҳолатни кузатиш мумкин.

Иттифоқдош республикаларда иқтисодий ривожланишни тенглаштириш ва оширишда ҳар бир иттифоқдош республикалар ва минтақаларга алоҳида эътибор қаратиш ва имкониятларини ҳисобга олиб, беш йиллик режага киритиш кераклиги ҳақида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биринчи секретари Ислон Абдуғаниевич Каримов 1989 йил декабрь ойида бўлиб ўтган КПСС МК пленумида айтиб ўтади.³⁰ Бироқ хомашё базаси вазифасини ўтаб келаётган Ўзбекистон аҳолисининг моддий ва ижтимоий аҳволи танглигича қолаверди.

Бу даврда Ўзбекистонда ижтимоий соҳа ҳам ачинарли кўринишга келиб қолди. Халқ таълими, соғлиқни сақлаш, мактабгача таълим муассасаларининг таъминланганлик даражаси 40 фоиздан ортмаган.³¹

1988 йилда таълим соҳасининг моддий техника базасининг аянчли аҳволда эканлигини куйидаги рақамларда кўриш мумкин: мавжуд мактабларнинг 54 фоизи бир амаллаб мослаштирилган биноларда жойлаштирилган, мактабларнинг 77 фоизи икки ва уч сменада ишлаган эди. Мактабларнинг ярмида ошхона, буфет, спорт ва мажлис заллари мавжуд эмас эди.³² 1988 йил 1 сентябрда республикадаги мавжуд 7911 та умумий таълим мактабларида 4,43 миллион нафар ўқувчи ўқиган. 583,9 минг бола биринчи синфларга келиб, уларнинг 233,9 минг нафари олти ёшли болалар бўлган. Олти ёшли болаларнинг тўққиздан бир қисми болалар боғчаларида тарбияланишган.³³ Аксарият қишлоқ мактаблари кўмир ва ўтин билан иситилган, лекин мактаб биноси етарли даражада иситилмаганлиги ва синф хоналарининг етишмаслиги сабабли икки-уч сменада ўқитиладиган мактабларда дарс соатлари қисқартирилиб ўтилган.

Ишчи ходимлар, айниқса, аёллар меҳнатини муҳофаза қилишда кўп қонунбузарликларни кўриш мумкин. Навоий пахта тозалаш заводида кечки

²⁹ Ўзбекистон миллий архиви, 837-фонд, 41-рўйхат, 6559-иш, 7-11-варақлар.

³⁰ Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биринчи секретари И.Каримов маърузаси //КПСС МК 1989 йил декабрь ойи пленуми стенограммаси материаллари. (По Стенограммы пленума ЦК КПСС. Декабрь. 1989.) <http://ргани.рф/fond-2-opis-5-materialy-plenumov-ck-kpss>.

³¹ Ўзбекистон миллий архиви, 837-фонд, 41-рўйхат, 6556- иш, 43 – 44-варақлар.

³² Таълимни қайта қуришда қатъий чоралар керак // «Совет Ўзбекистони», 1988 йил 1 сентябрь. №200.

³³ Таълимни қайта қуришда қатъий чоралар керак // «Совет Ўзбекистони», 1988 йил 1 сентябрь. №200.

смена текширилган айни вақтда 16 нафар аёл, улардан 4 нафари хомиладор ҳолатида ишлаётганлиги аниқланган³⁴.

Статистика маълумотлари далолат беришича, 1987 йилда республикада 143 та, 1986 йилда аёлларнинг 132 марта ўзига ўзи ўт қўйиш ҳодисаси содир бўлган. Бундай мудҳиш воқеалар Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд, Тошкент, Жиззах, Бухоро, Андижон, Навоий областлари ва Қорақалпоғистон АССРда содир бўлган. 1987 йили бундай фожиаларнинг энг кўпи Самарқанд, Ғузор, Китоб, Пайарик, Жиззах районларида юз берган³⁵. Мазкур районларнинг партия ва маъмурий органлари оператив чора-тадбирлар кўрмай, масалага юзаки ёндашиб, ўзига ўзи ўт қўйишга кўпинча тасодифий ҳол ёки эски анъаналар ва динни мутлақлаштириш деб жойлардаги ижтимоий аҳволни яширишга ҳаракат қилганлар³⁶.

1986 йил баҳорида Ўзбекистонда Наврўз байрамини ўтказиш тақиқланди. Бу миллий байрам ўрнига “Навбаҳор” байрами ўйлаб топилди. Бундан ташқари Ўзбекистонда 1986 йил 30 мартда Хотира куни ўтказилди³⁷ ва уни кейинги йилларда ҳам Наврўз кунларида ўтказиш бир анъанага айлантирилди.

Қайта қуриш сиёсати йилларида Марказнинг республика бошқарув элитасига таъсири кучайди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ўзини бевосита Марказдан таклиф қилинган ҳамда унинг буйруқ ва кўрсатмаларини назорат қиладиган европалик кадрлар эгаллади. Улар республика бошқарувида Марказ сиёсатини тўлақонли бажаришда бор кучларини сарфладилар. Бошқарув элитасида хизмат қиладиган маҳаллий миллат вакиллари ҳам республика аҳолиси манфаатлари учун эмас, балки Марказ буйруқларини бажарувчи кимсаларга айландилар. Марказ республика бошқаруви элитаси устидан қаттиқ назорат ўрнатган эди. Уларнинг ноқонуний ишлари қайд этиб борилди. Бу улар устидан жиноий иш учун далил тўплаш ва керакли пайтда шу орқали уларнинг жоловини тортиб қўйишга мўлжалланган эди.

XX аср 80 йиллари ўрталарида Ўзбекистон ССРда маҳаллий аҳоли орасидаги ишсизларнинг ўртача йиллик сони 1 млн кишидан ортиқ бўлиб, уларнинг ярми ёшлар эди. Хусусан, қишлоқ туманларида ишсизлик даражаси яна ҳам юқори бўлган. Ишсизлар сони ана шундай кўп бўлган бир шароитда, иш кучини республикага тўхтовсиз равишда четдан келтириш давом этарди. Навоий, Зарафшон, Учқудук, Чирчиқ, Бекобод, Ангрен, Олмалиқ шаҳарларидаги ишчиларнинг аксарияти Иттифоқнинг марказий районларидан келтирилган русийзабон аҳоли эди. Масалан, 1981-1985 йилларда Тошкентда иш билан банд бўлмаган меҳнатга қобилиятли ўртача 200000 нафардан ортиқ киши бор бўлгани ҳолда янги ишга туширилган

³⁴ Навоий вилояти давлат архиви (Навоий ВДА), 1-фонд, 1-рўйхат, 337-иш, 5-варак.

³⁵ «Совет Ўзбекистони», 1988 йил 11 август. №183.

³⁶ Навоий ВДА, 1-фонд, 1-рўйхат, 328-иш, 7-варак.

³⁷ «Совет Ўзбекистони», 1986 йил 1 апрель.

корхоналарга 125000 нафар ишчи ва мутахасислар РСФСР, Украина ва Белоруссиядан жалб қилинди³⁸.

Ўзбекистондаги сиёсий бошқарув элитаси XX аср 80 йилларида ўзининг ижобий томонларидан кўра салбий жиҳатлари ва ожиз томонларини кўпроқ намоёниш қилди. Сиёсий элита ўзбек халқи манфаатларини ҳимоя қилиш ўрнига кўпроқ Марказ талабларини бажариб, республикадаги мураккаб вазиятни анча чуқурлаштирди. Ўзбекистонда сиёсий ҳамда ижтимоий ва иқтисодий ислохотлар жуда секинлик билан амалга оширилди. Ҳатто Иттифоқ марказида бошланган демократик ва ошкоралик жараёнлари жуда секинлик билан республика жамияти ўртасига тарқалди. Бу ҳолатлар 1989-1990 йилларгача давом этди.

Ўзбекистон мамлакатда етиштириладиган пахта хом ашёсининг асосий қисмини тайёрлаб берган. Бироқ Марказ томонидан Ўзбекистон ноҳақ равишда доимо дотацияда айблаб келинган. Ўзбекистонда етиштирилган пахта толасининг 90 фоизи қайта ишланмасдан четга экспорт қилинишининг ўзи ҳар йили мамлакатга келтирилган соф даромад Марказнинг Ўзбекистонга бераётган дотациясидан ўн баробар кўп бўлган³⁹. Шу боис Ўзбекистонда пахта яккаҳоқимлиги сиёсатига панжа орасидан қараб келинган. Шу билан бирга Марказда мавжуд бўлган коррупция бу соҳани ҳам четлаб ўтмади. Аслида Марказда азалдан мавжуд бўлган ва айниқса XX аср 70 – 80 йилларида авж олган коррупция, табиийки, Ўзбекистонда ҳам мавжуд эди. Марказ ўзининг заифлашиб бораётган ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун республикада мавжуд бўлган бундай ҳолатларни ўз зиммасидан соқит қилиб, бутун айбни маҳаллий амалдорларга ағдаришга ҳаракат қилган.

СССР ФА олимлари ўтказган ҳисоб-китобларга кўра, кўшиб ёзиш бутун мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 3 фоизига тенг бўлган, хомашё етказиш соҳасида эса кўшиб ёзиш 5-25 фоиз атрофида бўлган⁴⁰. Аслини олганда, Ўзбекистонга қараганда кўшиб ёзиш ва порахўрлик бошқа иттифоқдош совет республикаларида аввал бошланган ҳамда унинг кўлами катта бўлган. Масалан, 1977 йилда Белорусия ССРда кўшиб ёзишга йўл қўйилганлиги учун 1075 нафар киши жиноий жавобгарликка тортилган. С.Ф. Медунов бошқарган РСФСРнинг Краснодар ўлкасида аҳвол ундан ҳам баттар бўлган. СССРнинг ўша пайтдаги сиёсий раҳбари Михаил Сергеевич Горбачёв 1970-1978 йилларда КПСС Ставрополь ўлкаси биринчи секретари лавозимида ишлаган даврда бу ерда коррупция, порахўрлик ва кўшиб ёзиш авж олган. Озарбайжон ССРда эса 1983 йилнинг ўзида 667 та саноат корхонаси ва қурилиш ташкилотларида кўшиб ёзишга йўл қўйилган. Грузия ССР ва Молдавия ССРда эса кўшиб ёзиш, порахўрлик ва коррупция ниҳоятда авж олган бўлса-да, кишилар тобора кўпроқ мансаб курсиларини эгаллаб

³⁸ Алимов И, Ражабов Қ. Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий инкирознинг кучайиши ва иқтисодий турғунлик // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Том 12. Ўзбекистон Республикаси. – Тошкент: ЎЗМЭ нашриёти, 2006. – Б. 182.

³⁹ Нурмухамедов Х. Республикамиз қарздорми? //Фан ва турмуш. – 1989. - №4. – Б. 8.

⁴⁰ Шмелёв К., Попов Г. На переломе: экономического перестройка в СССР. – Москва: АПН, 1989. – С.44.

борганлар⁴¹. Тожикистон ССРнинг Ленинобод областидаги курилиш ташкилотларида 1983-1984 йилларда 700000 рубллик қўшиб ёзишга йўл қўйилган⁴². Бироқ мамлакат ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётидаги барча салбий ҳолатларнинг туб моҳияти ўз вақтида таҳлил этилмаган ва очиб берилмаган. Марказнинг янги раҳбарияти томонидан 1983 йили Ўзбекистон ССРда қатағоннинг янги босқичи бошланиб, гўёки Совет Иттифоқидаги барча жинойтлар фақат Ўзбекистонда содир қилинди, уни фақат Ўзбекистон амалга оширди, деган фикр жамоатчилик онгига сингдирилди. Расмий маълумотларда мамлакатдаги салбий иллатларга фақат айрим маҳаллий гуруҳларнинг фаолияти билан боғлиқ тарзда миллий ва минтақавий воқелик сифатида нотўғри баҳо берилди. Бу ҳужжатларда мазкур ҳолатлар мансабни суистеъмол қилиш, порахўрлик ва қўшиб ёзишлар авж олишига олиб келган асосий омиллардан бири деб қаралди⁴³.

1988 йил охиригача Ўзбекистон ССРда “кадрлар алмаштириш ва коррупцияга қарши кураш” байроғи остида тозалаш ишлари олиб борилди. 1988 йил октябр ойида Ўзбекистон Коммунистик партиясининг Фарғона област комитети биринчи котиби Ҳамдам Умаров лавозимдан олиниб узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилинади ва унинг ўрнига Шавкат Йўлдошев раҳбарликка қўйилади.

“Коррупцияга қарши кураш” кампанияси Москва томонидан, СССР Бош прокуратураси муҳим ишлари бўйича терговчилари Т.Гдлян ва Н.Ивановларнинг фикри билан бошланганлиги баъзи тадқиқотларда қайд этилади.⁴⁴ Тадқиқотларга кўра, улар нафақат юқори, балки республиканинг давлат бошқаруви ҳамда партиянинг ўрта ва қуйи бўғинига ҳам юқори даражада салбий таъсир кўрсатганлар. Улар кампания давомида жами 20 мингдан ортиқ кишига ҳукм чиқарганлар⁴⁵.

Шундай қилиб, “пахта иши” Ўзбекистондаги ижтимоий ва сиёсий жараёнларга кучли таъсир кўрсатди. 1983-1990 йилларда Ўзбекистон ССРнинг сиёсий раҳбарияти Марказ таъсиридан чиқа олмай, унинг фармойишларини сўзсиз бажарди. Гдлян ва Ивановнинг ноқонуний ҳатти-ҳаракатлари Ўзбекистонда маҳаллий раҳбарият ҳамда партия, совет, хўжалик ва куч ишлатар органлар томонидан қўллаб-қувватланмаганда улар бундай қатағонни амалга ошира олмас эди. Бир томондан, “пахта иши” натижасида Ўзбекистонда кўп миқдорда бегуноҳ кишилар қатағон қилинди. Иккинчи томондан, совет ҳокимиятининг сўнгги ўн йилликларида мавжуд бўлган салбий иллатлар натижасида Ўзбекистонда ҳам порахўрлик, коррупция, қўшиб ёзиш ва кўзбўямачилик, давлат мулкани талон-торож қилиш каби

⁴¹ На пороге кризиса: нарастание застойных явлений в партии и обществе. – Москва: Политиздат, 1990. – С.118.

⁴² Юнусова Х. Ўзбекистонда “пахта иши” қатағонлари ва унинг оқибатлари // Тарихнинг номаълум саҳифалари (Илмий мақолалар. Ҳужжат ва материаллар. Хотиралар). Бешинчи китоб.. масъул муҳаррирлар: Б.Ҳасанов, Н.Каримов. – Тошкент: Гафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016. – Б. 42.

⁴³ Ўзбекистон тарихи (1917 – 1991 йиллар). Иккита китоб. Иккинчи китоб. 1939-1991 йиллар. – Б. 175-176.

⁴⁴Осипов А.Г. Ферганские события: конструирование этнического конфликта. <http://igpi.ru/info/people/osipov>.

⁴⁵ Қаранг: Гдлян Т., Иванов Н. Кремлевское дело. – Ростов-на-Дону: Изд. АО “Книга”, 1994. – С. 99.

иқтисодий жиноятлар содир қилинган эди. Бундай жиноятчилар, улар республикада жуда катта лавозимларда фаолият кўрсатишган, ҳақли равишда ўз жазосини олишди.

Тадқиқотнинг учинчи боби **“Ўзбекистонда мустақилликка эришиш арафасида юз берган сиёсий жараёнлар”** деб аталиб, унда Ўзбекистонда президентлик бошқарувининг жорий этилиши ва мустақиллик йўлидаги мураккаб одимлар, халқ ҳаракатлари ва сиёсий партиялар фаолияти ҳамда Марказ билан Ўзбекистоннинг миллий манфаатлари ўртасидаги зиддиятларнинг кескинлашуви каби масалалар ёритилган.

Совет жамиятида бир неча йиллардан буён юзага келган иқтисодий, ижтимоий-сиёсий вазиятдан чиқиш йўлидаги XX асрнинг 80 йиллари иккинчи ярмида олиб борилган “қайта қуриш” номи билан боғлиқ бўлган сиёсат совет жамиятини сақлаб қола олмади. Совет Иттифоқи таркибида бўлган республикаларда ҳам юзага келган оғир иқтисодий, ижтимоий вазиятдан чиқишнинг йўли фақатгина мустақилликка эришиб, ўзи танлаган мустақил тараққиёт йўли орқали амалга ошириш мумкинлиги тушуниб етилди.

Бу пайтда Ўзбекистон ССРда ҳам мустақиллик йўлида амалий фаолият юритила бошланди. Ушбу амалий фаолият республикада 1989 йилнинг иккинчи чорагида юзага келган оғир вазиятда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биринчи секретари лавозимида иш бошлаган Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг фаолияти билан бошланади.

Республика аҳолисининг кўп қисми қишлоқларда яшаганлиги учун раҳбарият томонидан қишлоқ меҳнаткашларининг иқтисодий турмуш шароитини яхшилашга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқилди ва амалга оширилди⁴⁶. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1989 йил августда “Колхозчилар, совхозларнинг ишчилари, граждандарнинг шахсий ёрдамчи хўжалиқларини ва якка тартибда уй-жой қурилишини янада ривожлантириш тўғрисида”ги қарори матбуотда эълон қилинади.⁴⁷ Бу қарорга кўра ҳар бир оилага 25 сотихдан ер ажратиб бериш, томорқа майдонларини 4,5 баробарга кенгайтириш назарда тутилади. 1989-1990 йиллар мобайнида 1,5 млн хонадонга кўшимча томорқалар берилди, 700 минг оила янги томорқа ерларига эга бўлишди. Кўпгина оилалар томорқа участкаларига эга бўлишди, кўпчилиги томорқа участкаларини кенгайтиришди. Аҳоли чорва моллари ва паррандалар билан таъминланди. Ўзбекистон мустақиллигига қадар 700 минг гектар ер аҳолига томорқа учун берилди⁴⁸. Шунингдек, 1991 йил 11 январда республика раҳбарининг қишлоқларда яшайдиган аҳолини турмуш тарзини янада яхшилаш мақсадида “Колхозлар, совхозларнинг ишчилари ва қишлоқ жойларида яшовчи бошқа

⁴⁶ Қаранг: Каримов.И. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2011.

⁴⁷ “Совет Ўзбекистони”, 1989 йил 17 август; Ражабов Қ., Қандов Б., Ражабова С. Ўзбекистон тарихининг муҳим саналари. 6-нашр. –Б. 258.

⁴⁸ Каримов И. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 1995. –Б. 66.

фуқароларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларини янада ривожлантиришга оид кўшимча тадбирлар тўғрисида”ги Фармонига кўра 108,5 минг гектар ер аҳолига ажратиб берилди⁴⁹. Пахта яккаҳоқимлигига қарши жиддий кураш олиб борилди.

